



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KATOR PALATI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 22 ноябрь, № 228 (4638)

Шанба

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

Интилиш

Шундан келиб чиқиб, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири фарзандларимизни юксак билим соҳиблари бўлишларига хизмат қилаётган бўлса, жойларда ташкил этилаётган ўқув марказлари ҳам уларни касбга, ҳунарга ўргатишда ўзига хос кўмакчи вазифасини ўтапти.

Оддий қилиб айтганда, турмушдаги фаровонликнинг муҳим жиҳатларидан бири айнан шу омилларга ҳам боғлиқ. Зеро, ҳунар ўрганган, бирор бир касбнинг бошини тутган киши борки, ҳеч қачон ютқазмаган. Чунки ҳалол меҳнат билан топилган даромад оилага барака, рўзғорга тўқиллик, дастурхонга эса файз киритади.

Хусусан, Гиждувон тумани-



даги "Гиждувон Машҳура" ширкати бундан тўрт йил муқаддам бошлаган бўлиб, унда 10 та йўналиш бўйича уч ойлик курслар ташкил этилган. Ҳозиргача бу маскандан 15 ёрдам бераёпти. Фирма фао-

лиятини бундан тўрт йил муқаддам бошлаган бўлиб, унда 10 та йўналиш бўйича уч ойлик курслар ташкил этилган. Ҳозиргача бу маскандан 15 ёрдам бераёпти. Фирма фао-


лис етишиб чиқди. Битирганларнинг кўпчилиги бугунги кунда кичик ҳоёлар, умумий овқатланши жойлари, саргароҳона ва касаначилик соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Барчаси шу орқали оиласига барака киритаяпти.

СУРАТДА: фирма раҳбари Замирахон Сафарова шогирдлари билан.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети-нинг 2008 йил 9 ойидаги иқроси якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.



Бюджет иқросига бағишланди

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Йиғилишда мамлакат Президентидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жорий йилнинг ўтган 9 ойида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имконини берганлиги алоҳида таъкидланди.

Айни вақтда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни ташкил этиб, бу натижалар кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 4,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришининг 18,4 фоиз, хизмат кўрсатишининг 18,5 фоиз, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсиши ҳўسوبга таъминлангани эътироф этилди.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хўсуий тадбиркорликни ҳўқуқий ҳўмоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларга солиқ юкни камайтириш, фаолият кўрсатиш шароитларини яқинлаштириш ҳўсобида уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 43,1 фоиздан 45,5 фоизга, хизматлар

соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи эса 40,5 фоиздан 44,9 фоизга ўсганлиги ҳам иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Шунингдек, "2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури" доирасида умумтаълим муассасаларини қуриш ва тиклаш ишларига режалаштирилган маблаг ажратилгани ҳамда "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида кўзда тутилган барча тадбирлар ўз вақтида молиялаштирилгани ва аҳолининг ижтимоий ёрдама муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш тадбирлари янада кенгайтирилгани анжуман иштирокчилари эътиборида бўлди.

Тадбир иштирокчилари бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши ва бюджет интизомига риоя қилинишида айрим вазирлик, идоралар ва уларнинг қўйи бўғинларида йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтишди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ёшлар парламентаризми:

Миллий ва хорижий амалиёт

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ёшлар парламентаризми: миллий ва хорижий амалиёт" мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди.

Анжуманда ёшлар парламентаризми тушунчаси ва ғояларининг ҳаётимизга кириб келиши, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш, парламентаризм ғояларининг ёшлар орасидаги тарғиботини кўчатириш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўпди.

Мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларини, олий ўқув юртлири талабаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақлиф қилиш, уларни парламент фаолияти, қонунларни қабул қилиш жараёнида, қонунларнинг қўчга кириш тартиби билан таништиришга бағишланган мулоқотлар ўтказиш катта аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, партия фракциялари аъзоларининг ўқув юртлирида бўлиб, ўқувчи ва талабалар билан парламентаризм, сайлов жараёнилари, қонун ижодкорлиги, депутатларнинг ўз сайловчилари билан ишлаши сингари мавзуларда ўтказиб келаётган давра суҳбатлари ва семинарлар ёшларнинг қўнун чиқарувчи олий орган ҳақидаги тушунчаларини сезиларли даражада кенгайтираётгани ҳам қайд этилди.

"Миллий парламентнинг тарғибот амалиёти", "Ўзбекистон болалар парламенти: мактаблардаги изланишлар ва миллий парламент тарғиботлари", "ЕМТ Ривожланиш дастурининг ёшлар парламентаризми дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадлари" ва "Сийёсий партиялар фаолиятида парламентаризм ғояларининг тарғиботи амалиёти" мавзуларидаги чиқишлар иштирокчилар, айниқса, ёшларда жуда катта таассурот қолдирди.

Конференцияда соҳага доир фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар қабул қилинди.

3. Худойшукуров.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДА

Статистик маълумотларга кўра, дунёда бошқа халқлардан кўра кўпроқ немислар саёҳат қилишни яхши кўришаркан. Шунинг учун ҳам Германияда сайёҳларга мўлжалланган бир қатор нашрлар чоп этилади. Ана шундай журналлардан бири «ADIEU Tristesse» («Алвидо, тушунлик») жорий йилнинг ёз ойларидан бошлаб немис тилида чоп этилмоқда. У рангли журнал бўлиб, 130 саҳифадан иборат. Унда барча маълумотлар сайёҳларга, сайёҳлик хизматлари ва агентликларига тушунарли бўлиши учун содда қилиб баён этилган.

Мазкур журналнинг навбатдаги сонидида таниқли немис олимни, Марказий Осиё бўйича эксперт Клаус Пандер билан суҳбат эълон қилинган. Суҳбатда К. Пандер Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кунини ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган.

Журнал ўқувчилари эътиборини Ўзбекистоннинг бой тарихига қаратар экан, немис олимни «Узоқ йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг бу қисмида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади, бугунги кунда у ерда катта ривожланишлар амалга оширилмоқда», деб таъкидлади.

К. Пандер 1960 йилларда Марказий Осиёдаги сайёҳлик гуруҳида илмий раҳбар бўлиб ишлаган. Ўз инттервюсида у охириги 40 йил ичда Ўзбекистонга кўп марта келгани ва ўша

сафарлар чоғида олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашди. «У пайтларда, собиқ иттифок даврида ҳамма нарса Москва томонидан бошқариладди, — деб эслади у. — Ўзбекистонда барча мадрасалар, макбар ва масжидлар ёпилган ёки улардан исталган мақсадда фойдаланилар эди. Уларнинг қўллари омборхона ёки спорт залларига айлантирилганди. Бир кунги биз Бухородаги Масжиди Калонга дор тортиб, томошабинларни кутиб турган дорборларни кўргандик».

Буюк Ипак йўли ҳақида гапирар экан, К. Пандер юзлаб йиллар давомида ушбу тарихий йўлдан фақат савдо қаровчлари эмас, Александр Македонский, Чингизхон, Амир Темурнинг қўшинлари ҳам ўтганини таъкидлади.

Дунё нигоҳи

ҳамма нарса, асосан ипак матолар, шунингдек, долчин, хантал ва арпабодийн каби рангбаранг ўзига хос ҳўшбўй ҳидга эга бўлган зирворлар, ҳўллас, нима сотилиши мўмкин бўлса ҳаммаси сотилган. Шарқдан Фарбга эса металлар, қумуш буюмлар, қўмнатбаҳо тошлар, фил суғи, сопол буюмлар, қуроллар, жун ва рўмоллар олиб келинган».

«Буюк Ипак йўлида ҳар хил миллатда мануб кишилар учрашганлар, турли халқлар маданияти қарашлари, хўсусан,

санъат, тил ва динлар тўқнашган» дея таъкидладди нашрда.

К. Пандер Ўзбекистонда Амир Темур давридан бунён сақланган келинётган мейморий ёдгорликларнинг бетакор эканлигини ҳўжон билан тасвирлади. У маҳобатли гумбази, бетакор ва улкан пештоқли, кенг ҳўлига эга, кўп рангли кошнкор нақшлар ишланган салобатли муқаддас обидалар ва иншоотларни алоҳида қайд этди. «Гури Амир макбараси, Регистон майдоғи, Бибиҳоним макбараси беэаб турган Самарқанд, Оқсарой каби ажойиб қоснонга эга бўлган Шаҳриҳсаба ҳақиқатан ҳам бу ерга қайта-қайта келиш ва гузаллигини баҳарлашдан бўлишга арзийди» — деди К. Пандер.

— Ҳеч бўлмаганда йилига

бир марта Ўзбекистонга бораман, — дея таъкидлади у. — Менга ушбу мамлакат худди минг бир кеча эртакларида тасвирлангани каби барча шаҳарлари, Буюк Ипак йўлида жойлашган қишлоқлари, бетакор тарихий обидалари ва мўхашам бинолари, айниқса, ўзларининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги билан ажралиб турадиган ўзбек халқи ёқади.

Немис олимни бугун Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ижобий фикрлар билдириб, мамлакат раҳбарияти сайёҳликни ривожлантиришга, бугунги кунда дунёнинг турли бурчақларидан минг-минглаб сайёҳларни ўзига жалб қилаётган қўллаб бебаҳо маданият ва тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва авайлаб асрашга муҳим аҳамият бераётганини алоҳида таъкидлади.

Шўҳрат УМИРОВ.
«Жаҳон» АА.
Берлин.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жағгармаси Бош директори Сулаймон Ал-Хербий раҳбарлигидаги делегация 21 ноябрь кунги Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Турдимов билан учрашди.

Қўшма ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида бошқа жаҳўдалар сингари кишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани, бу эса хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жағгармаси қўллаб тармоқлар сингари кишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасини ислох қилишда ҳам мамлакатимизнинг фаол ҳамкорларидан саналади. Хўсусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2008 йил 17 январда қабул қилинган ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жағгармаси иштирокида "Бухоро вилояти Қўйимозор насос станциясини қайта тиклаш" лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирларга оид қарори мазкур нуфузли молия муассасаси билан кишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Меҳмонлар юртимизда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

Музокарада мамлакатимиз билан ОПЕКнинг Халқаро ривожланиш жағгармасининг Марказий Осиё ва Козогонистон бўйича худудий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимизда инсон ҳўқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидланди. Зеро, Конституцияимизнинг X боби ҳам инсон ҳўқуқлари ва эркинликларини кафолатларини акс эттирди.

Конференция давомида иштирокчилар эътиборига мавзуга оид ҳўжжатли фильм ҳавола этилди.

(ЎЗА).

Мамлакат бўйлаб

Тола — экспортга

Қизилтепа туманидаги пахта тозалаш акциядорлик жамятида жорий йилда етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш жадаллик билан олиб борилаёттир. Айниқса, "Бухоро-6" ва "Бухоро-102" навларидан харидоригр тола олинмоқда.

Чигитдан тозаланган олий навли пахтанинг дастлабки минг тоннаси экспортга жўнатилди. Тез орада яна ўн минг тонна тола хорижга юборилади.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имкониятига эга бўлди.

Муборак ҳаж сафари бошланди

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юриётдан сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, истиқлол йилларида 70 минг нафардан ортиқ юртдошимиз ҳаж зиёратига бо-

риб келган. Жорий йил ҳам беш минг нафардан кўпроқ ҳамюртимиз муборак сафарга йўл олади. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қоракөлгоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган конференция «Ўзбекистонда суд-ҳўқуқ соҳасида «Навеас Согрис Аст» механизмининг амалга оширишда Омбудсманнинг суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи уюшмалар билан ҳамкорлиги» деб номланди.

Инсон ҳўқуқлари муқаддасдир

Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Конрад Аденауэр жағгармасининг Марказий Осиё ва Козогонистон бўйича худудий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда мамлакатимизда инсон ҳўқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидланди. Зеро, Конституцияимизнинг X боби ҳам инсон ҳўқуқлари ва эркинликларини кафолатларини акс эттирди.

Конференция давомида иштирокчилар эътиборига мавзуга оид ҳўжжатли фильм ҳавола этилди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳолининг банкларга ишончи мустақкамланаяпти


2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикада аҳолининг банк депозитларидаги маблағи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **50,8** фоизга ортиди.

Бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, етакчи банкларнинг капиталлашувини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, ўз навбатида, аҳолининг банкларга ишончини ошираётгани тўғайли шундай ижобий натижага эришилди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сел оқибати

Филиппинда тинимсиз ёмғир ёғиши оқибатида мамлакатнинг баъзи ҳудудларида сел келиши кузатилмоқда.



«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Минданао оролидаги Компостела музофотида аҳоли жиддий тус олган. Худуди асосан тоғликлardan иборат бўлган мазкур музофотда қидирув-қутқарув ишлари олиб бориш қийинчилик туғдирмоқда.

Жамоат жойида чекилмайди

Болгария ҳукумати бундан бундан жойларида чекишни тақиқламоқчи.



Бу борада тайёрланган қонун лойиҳаси мамлакат парламентида кури чикилганда сўнг, 2010 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга кириши режалаштирилган.

«Reuters» ахборот агентлигининг маълумоти-га кўра, Болгария фуқаролари тамаки чекиш бўйича Европа китъасида биринчи ўринда тураркан.


Тизимдаги носозлик сабаб

Эквадорнинг Манта портида Никарагуага тегишли кема портлаб кетди.

Бахтсиз ҳодиса музлатилган баликлар юк-наётган пайтда содир бўлган. Фожа оқибатида ўнга яқин киши ҳаётдан кўз юмди, 30 киши эса турли даражада тан жароҳати олди.

Портлашга кеманинг музлатиш тизимида юзага келган носозлик сабаб бўлгани айтилмоқда.

Парвоз муваффақиятли ўтди



«Endeavour» космик кемасининг Халқаро космик станцияга қилган «саёҳати» муваффақиятли якунланди, дейилади «ИТАР-ТАСС» томонидан тарқатилган ахборотда.

Астронавтар Хайдемар Стефаниш-Пайпер ва Шейн Кимбро зиммаларига юклатилган вазифани аъло даражада ундашган. Жумладан, улар очик фазога чиқиб, Халқаро космик станцияга тегишли кўш батареяларида таъмирлаш ишларини олиб боришган.

АҚШнинг Техас штатидаги парвозларни бошқариш маркази мутахассисларининг айтишича, космик станцияга тўрт бор ракета учурилиши режалаштирилган. Хозиргача шундан икkitаси ижобий якунланди. Яқин кунларда фазога учинчи парвоз амалга оширилди. Унда Стефаниш-Пайперга Стив Боуэн ҳамроҳлик қилади.

Зиддиятлар юзага келмоқда

«France Info» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Францияда ўқувчиларнинг иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Унда 220 мингга яқин киши иштирок этмоқда. Мамлакатнинг баъзи ҳудудларида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва норозилик кайфиятидаги одамлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар юзага келмоқда.

Манбада ўқувчиларнинг иш жойлари нима сабабдан қисқартирилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚИШДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасида қишки мавсумга тайёргарлик ҳолати ва якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Таббир

Унда таъкидланишича, мавсумолди тадбирлари доирасида ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан шаҳар, туман ва аҳоли пунктларида ҳамда иқтисодий тармоқларида ёнгинга қарши хавфсизлик чора-тадбирлари амалга оширилган.

Жумладан, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида 49 минг 291 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёнғича қарши ҳолати текшириб чиқилган. Муҳими, аниқ-

ланган камчиликларнинг асосий қисми бартараф этилган. Шунингдек, ййгилишда тилсиз ёв келтирадиган фалокатларнинг олдини олиш борасида фуқаролар билан кенг ҳамроҳли тушунтириш ишлари олиб борилаётгани ва 300 мингдан зиёд нусхада эслатма, плакат ва шюрлар тарқатилгани айтиб ўтилди.

Шаҳло ЗАЙНИЕВА.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганини маълум қилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 16 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да туғайди.

Table with 5 columns: Корхонанинг номи, Манзили, Сотилган улуш (%), Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.), Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.)

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда инфорацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки кўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг куйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

валюта рақами 20203840500600289001; ҳисоб рақами 20203000600600289001.

«Ипак йўли» АИТБ, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди INIPUZ22.

Тендер таклифлари очилиши 2008 йил 16 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

- Кимёсановат соҳаси корхоналари бўйича
Пакхасановат ва нефть-газни қайта ишлаш корхоналари бўйича
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига. Телефон: +998 (71) 259-22-51. Факс: +998 (71) 259-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ,

«ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЭ ЗАВОДИ» УКНИНГ 100%НИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«Фаргона фуран бирикмалари кимэ заводи» УКнинг 100% фаолият тури сақланган ҳолда сотувга куйилади. «Фаргона фуран бирикмалари кимэ заводи» УК Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши — пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфурол спирти, техник этил спирти, фурфурол-1 нав, ФХЛ-1 бургулаш реагенти, той-пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Корхонанинг бошланғич баҳоси — 37 000 000,0 (ўттиз етти миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган. Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари 2 600 000,0 (икки миллион олти юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровнома билан куйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи ва намунавий олди-сотди шартномаси шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов куйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001, ҳисоб рақами 20203000600600289001.

«Ипак йўли» АИТБ, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, банк коди 00444 S.W.I.F.T. коди INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 20 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да туғайди.

Тендер таклифлари конвертини очиб 2009 йил 20 январь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиб маросимда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки кўмитаси ишчи органи: Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига. Телефон: +998 71 259-22-51. Факс: +998 71 259-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ,

«FARG'ONAAZOT» ОАЖНИНГ 51% АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«FARG'ONAAZOT» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 51 фоизини ташкил этувчи 2 057 631 (икки миллион эллик етти минг олти юз ўттиз бир) дона олдий акциялари сотувга куйилади.

«FARG'ONAAZOT» ОАЖ Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳрида жойлашган. Корхона 1961 йилда ишга туширилган. Корхонада суяқ аммиак, карбамид, аммиак селитраси, мағний хлорат дефлоранти, натрий хлорат ва карбон кислотаси ишлаб чиқарилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — 52 000 000,0 (эллик икки миллион) АҚШ доллари. Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари 55 000 000,0 (эллик беш миллион) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровнома билан куйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифи ва намунавий олди-сотди шартномаси шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган, имзоланган ариза ва махфийлигини сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов куйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001, ҳисоб рақами 20203000600600289001.

«Ипак йўли» АИТБ, 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй, ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 20 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да туғайди.

Тендер таклифларини конвертини очиб 2009 йил 20 январь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади. Тендер таклифларининг иккинчи конвертини очиб тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга куйидаги квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолашдан сўнг Идораларо ишчи гуруҳи мажлисида бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини очиб вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича куйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки кўмитаси ишчи органи: Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитаси биноси, 17-қават. Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига. Телефон: +998 71 259-22-51. Факс: +998 71 259-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТГА!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» ОАЖ



Электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрида туғаси муносабати билан 2009 йил учун янгидаги шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади.

Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур.

Шартномалар куйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

- ҳисоб-китоб нукталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган тақдирда;
• 2008 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебитор қарзлари мавжуд бўлмаганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган корхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилмайдиган ҳолда уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» маъмурияти.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 15 ЁШДА! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нарижлари ошиб бориш тартибда ўлкасиладиган тақдирий очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига куйидаги мулклар куйилмоқда:

1. Фаргона вилояти ҳужжалик судининг бир неча ижро ҳужжатларига асосан, Фаргона вилояти Кўқон шаҳар суд ижрочилиги томонидан хатланган, Кўқон шаҳри, Туркiston кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган қарздор «10-автотбус саройи» ОХЖга қарашли бино-ишоотларнинг бир қисми, курилиш майдони — 51 159,95 кв.м., фойдали майдони — 9 801,68 кв.м. Бошланғич баҳоси — 486 601 000 сўм.
2. Фаргона шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг 2008 йил 26 августдаги 2777-сонли ижро ҳужжати асосан Кўқон шаҳар суд ижрочилиги томонидан хатланган, «СОFAPEL» русумли косметик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи дастоҳ (янги, ишлатилмаган), сақланиш жойи — Кўқон шаҳар «Механика заводи» ОАЖ омибори. Бошланғич баҳоси — 176 074 873 сўм.
3. Жиноят ишлари бўйича Фаргона вилояти судининг 2008 йил 28 февралдаги 2-05-08-сонли ижро ҳужжати асосан Езёнов тумани суд ижрочилиги томонидан хатланган, М. Хатамовга қарашли, Езёнов тумани, Қоратепа қишлоғида жойлашган «Ситора» чойхонаси бино-ишоотлари. Бошланғич баҳоси — 150 290 025 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 10 декабрь куни Фаргона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилиги вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир объект учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКМБ Фаргона вилояти филиалининг АТ «Халқ банки» Фаргона вилояти филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452023, МФО 00497, ИНН 200933850.

Манзил: Фаргона ш., М. Қосимов к., 35-уй. Телефон: 224-68-70. www.rkmb.uz

Лицензия: ДВ 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

«Ўзметасабзавотузмуноратлоийҳа» МЧЖ жамоаси гуруҳ мудири Альфара Нурғалинага онаси Гульчира АХМЕТШИНАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт Sport Спорт



БОКСЧИЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси харбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Озарбойжон пойтахти Бокуга жўнаб кетди.

Жаҳон чемпионатида Шахриёр Исоқов (48 кг.), Рафиқжон Султонов (51 кг.), Тулашбой Дониёров (54 кг.), Абдуғафур Умаров (57 кг.), Баходир Мамажонов (60 кг.), Улугбек Холмуродов (64 кг.), Бекзод Юнусов (69 кг.), Ахрорбек Кур-

бонов (75 кг.), Шерзод Абдурахмонов (81 кг.), Элёрбек Фуломов (91 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+91 кг.)лар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Мусобақанинг финал урашувлари 30 ноябрь кўни бўлиб ўтди.



Германиянинг Дрезден шаҳрида давом этаётган 38-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида еттинчи тур ўйинлари ниҳоясига етди.

Шахматчиларимизнинг шашти баланд

Аҳамиятлиси, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари вакиллари орасида ўзбекистонлик "ақл гимнастикаси" усталари муваффақиятли иштирок этишмоқда. Еттинчи тур беллашувида ҳар иккала — эркаклар ва аёллар терма жамоамиз галабага эришдилар.

Жумладан, эркаклар терма жамоамиз аргентиналик шахматчиларга қарши дона суриб, 3:1 ҳисобида зафар қўнди. Рустам Қосимов — Фернандо Перлатани, Алексей Барсов — Диего Флоресни, Шухрат Сафин — Даниэл Кампарони мағлубиятга учратди. Фақат Сайдали Йўлдошев — Антон Ковалёвга ютқазиб қўйди.

Ўзбекистон — Хорватия аёллар терма жамоалари баҳси 2,5:1,5 ҳисобида юртдошларимиз фойдасига ҳал бўлди. Ушбу турда Нафиса Мўминова ва Хулқар Тежиржоновга галаба қозонган бўлса; Нодира Нодиржонов ва дуранг натижага эришди. Ирина Геворкян рақибига имкониятни бой берди.

Эслатиб ўтамиз, аёллар терма жамоамиз Олимпиада ўйинларида совринли ўринларга асосий давogarлардан ҳисобланишди. Хозирча улар 10 очко жамғаришган. Учинчи ўринда борайтган терма жамоа билан орадаги фарқ 1 очкони ташкил этади.

Сақизинчи тур ўйинларида эркаклар терма жамоамиз Швеция, аёллар терма жамоамиз эса Франция шахматчиларига қарши бахсларда иштирок этадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Халқимизда: "От — йигитнинг йўлдоши" деган гап бор. Бу ибора қанчалик ҳаётий эканлигини билмоқчи бўлсангиз, улоқчилар, кўпқари ишқибозлари билан суҳбатлашинг. Негаки, ҳақиқий ишқибозлар отнинг кўзига қараб туриб, жониворга нима кераклигини англашади. Косонинг Пўлати қишлоғида яшаган Элмурод полвон ана шундай шинавандалиги билан эл-юртга танилган эди. У кураш ҳам тушарди, чавандозлик ҳам қиларди.

Ўзи кўпқарига кирмаганда ҳам, оти улоқни узиб чиққанида, шодликдан боши осмонга етарди. Улоқчи от боқиб, завқ қиларди. Кўпқарига от тайёрлаш унинг сеvimли машғулотиди эди. Машинаси бузилса, у ер бу ери синса, ўша жойнинг ўзида ташлаб, бошқасига ўтириб кетаверарди. Тузатиш шогирдларининг иши эди. Мабодо кўпқари пайтида оти мўнқиб кетса, Элмуроднинг жон томири узилгандай бўларди. Узидан аяганини отидан аямасди. Ана шундай ажойиб инсон вафот этганда эса от жониворнинг кўзидан тинмай ёш оққан экан. Орадан бироз вақт ўтгач, полвоннинг фотихасига келганлардан бири унинг ақинларига шундай дебди:

— Мана шу "Нексия" м яп-янги. Илтимо, машинани олиб, ўрнига отнинг менга беринг. Кўпқарида кўриб ишқим тушган. Бу гап ҳаммага малол келиб, сукунат чўккан. Узининг гапидан меҳмон ҳам изза бўлган экан. Бу воқеани бизга ғузорлик ашаддий от ишқибози Кувондиқ Алишеров айтиб берган эди. "Нексия"га алишлик майдиган бедов тулпор ҳақидаги гапнинг тафсилотини косонлик яна бир машхур чавандоз Неймат полвон Раҳматуллаев давом эттирди.

— Аслида, яхши отнинг баҳоси йўқ, — деб гап бошлади у. — Яқинда уйимизга қадрдоним Жобир полвон бир кишини бошлаб келди. Гап айланиб, улоқчи отга тақалди. Кейин билсам,

масалан, чироқчилик Улаш чавандоз Яккабоғда бир улоқни узиб чиққани учун яп-янги машина олган эди. Аслида гап пулда


ОҚ ТУЛПОРИМ БОР ЭДИ...

меҳмонга яхши от керак экан. Ховлимда бешта от боғлиқда турган эди. Биттасини танлади. Ўзи отни сотиш ниятим йўқ. Ўзим минаман, уч ўғлим — Машраб, Муҳаммад, Махмуд чавандоз. Лекин меҳмоннинг шашти симмасин, дедим. Биттасини танлади. Бебаҳо улоқчи от эди. Уч "Нексия"нинг баҳосига нархланди. Роса тортишси жараёнида, яхшиямки, меҳмон меннинг авзойимдан отни сотмаслигини сезиб қолди. Чет элда бир миллион долларга от сотилганини эшитганимиз. Бизда ҳам шундай отлар бор. Лекин ҳақиқий ишқибоз одам отни пул учун боқмайди. Холбуки, бир даврада совринга туя, от, ҳўкиз олган чавандозлар бор. Пулга чақсангиз, миллион нима деган гап. Мана,

ҳам эмас. Улоқчи отни минигина эмас, боққини ҳам завқли. Мен ҳам, ўғилларим ҳам ана шундай завқ шайқосимиз. Уйимизда от билан боғлиқ неки бўлса, учратиш мумкин. Тулпор ҳақидаги хорик кино-

УДУМ

ларидан тортиб, ўзимизнинг ёзувчимиз Тоғай Муроднинг "От кишаган оқшом" асаригача бизда бор. Тошпўлат Матқаримовнинг Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтувчи "Оқ тулпорим бор эди..." деб бошланувчи қўшиғини кўнда бир эшитмасам, чанқоғи босилмаган одамдай безовта бўлиб юраман. Хуллас, буям ҳаётдан завқ олишнинг бир йўли экан-да!..



турган улоқчи от совутилмасдан кўпқарига солинса, чопишга ярамай қолади. Яхши улоқчи от уч кишининг меҳри билан етилади. Биринчиси — отнинг эгаси, ишқибоз — ўзи улоқ чопмаса ҳам от-сиз яшай олмайди. Иккинчиси — сайис, отбоқар — тулпорнинг доимий ҳамроҳи, қачон ем бериш, қачон сув бериши, қачон совутишни ҳеч ким ундан яхши билмайди. Учинчиси — билагай бақувват, кўзи ўткир, юрагида ўти бор чавандоз. От спортини, улоқ-кўпқарини бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам шулар. Агар бу хислатларнинг учаласи ҳам бир кишида жам бўлса, номи тилга тушади, элнинг олди йигитига айланади.

Неъмат полвоннинг бу гапларини эшитиб туриб, биз ҳам завқландик. Юртимизда бундай инсонлар кўпайганига нима етсин.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



— Чеварликка ҳам меҳр керак, қизим... Турсун АЛИ сурат-лавҳаси.

Туйғу

Соғини

Набирани эркалатиб отам, дейман, Саҳий кўрсам, ўзингиздай хотам дейман, Дунё иши қизиқ экан, бир кам дейман, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Сизсиз омад, бахту тахтдан кўнглим тўлмас, Бошимни ҳам силар, аммо сизнинг қўлмас, Дунё зарин берсалар-да, кўнглим қўлмас, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Кийиб кўрдим, менга лойиқ чакмонингиз, Занг олибди даст кўтарган кетмонингиз, Париларми энди сизнинг меҳмонингиз, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Ҳақиқатга тик боқарди ох, кўзингиз, Камиллини билдирарди ҳар сўзингиз, Садоқатга тилсиз ахир, сиз ўзингиз, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Ўлардингиз бўлсангиз сиз нешонмандан, Кетармиди кемтик ҳиллар кошонамдан, Ташеши ҳатлаб ўтмас эди остонамдан, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Тушунмадим бу дунёнинг ишларини, Адаштарар гоҳо баҳор қишларини, Етимликда кўрдим қаттиқ тишларини, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Отажоним, энди билдим қадрингизни, Олломайин доғда қолдим дардингизни, Кўрмидингиз набиранингиз мардингизни, Соғинаман, меҳрибоним, жоним, отам, Олий ҳиммат, очик кўнгли, олим отам.

Умрингизнинг давомчиси — авлодингиз, Кўнглимизнинг ҳар қаттида пок ёдингиз, Бизга ибрат — хайр билан савобингиз, Дуоғўйим, меҳрибоним, жоним, отам, Томиримда оққан қоним, шоним, отам.

Абдулла ШОНОСИР.

Изланиш

Зоминлик ҳунармандлар ташаббуси билан маҳалларда 60 та тўғарак ташкил этилди. Уларда "Бир устага — бир шогирд" шиори остида 270 нафар ёш ўзлари қизиққан касб сирларини ўрганапти.

Бир устага — бир шогирд

Тўнғич шогирдлардан юз нафарга яқини касаначилик билан шуғуланмоқда. Бандликка қўмақлашувчи туман маркази томонидан уюштирилган меҳнат ярмаркаларида иш билан таъминланган 190 нафар ёшнинг кўпчилиги ҳунарманд йигит-қизлардир.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сардорлар мактаби

Самарқанддаги Ёшлар марказида "Сардорлар мактаби" лойиҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий ўқув юртлири талабалари иштирок этишди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши хомийлигида ташкил этилган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади "Қамолот"нинг фидойи

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳикмат

Барча инсонлар ақлга муҳтождир. Ақл эса тажрибага суянади. Чунки тажриба ақлнинг кўзгусидир. Кошиқий.

Соғиниш, интизорлик — меҳр-муҳаббатнинг, севгининг ҳосиласи, кўнгли яқинлигининг ифодаси. Дийдорга етиш учун айрилиқ азобларига чидамли, висол тулини узиш учун эса ҳижрон сўқмоқларидеги тиканлар захмига бардошли бўлишга тўғри келади. Лекин бу захматларга дош беролмай васл умидидан эрта мосуво бўлганлар қанчадан-қанча...

Шу жиҳатдан олганда соғинч — синув, ҳижрон эса имтиҳон. Бинобарин, Навоий ҳазратлари ҳам ана шу синовга бардоши етатидиганларини, садоқатда собиларини чин маънодаги ошқликка муносиб, ҳисоблайдилар.

"Ҳазойинул маоний" даги айрилиқ мавзуда битилган ғазалларнинг бирида жуда латиф ва завқли, айни пайтда, хайратбахш ҳамда мушоҳадабон бир байт борки, шубҳасиз, уни инсонпарварлик аталмиш улўғ ғоя, олий қадриятнинг бадиий юксак тараннуми десак аразийди: **Неча ҳажрида ўсам** **оҳу ашқимдин солиб тўфон,**

Ҳижрон — имтиҳон

(Бир байт шарҳи)

Вале қўйманг, кўрарга келса сарви нозпарвардим.

Ажабо! Шундай ҳам бўлиши мумкинми? Ҳа, мумкин. Қачонки, муҳобати чин бўлса, севгиллисини жонидан ҳам азиз билса, ўзидан кўра унинг қадрини баланд тутса, бунга шубҳа йўқ. Навоий таърифлаётган ошқ ўзидан ҳам кўра кўпроқ маҳбубасининг гамини ҳам шундай қарорга келган, сабаби, агар ёри уни шундай афтода холда кўрса, беҳос сесканиб, рўйи азобланиб дардга чалиниши турган гап. Ошқ худди шундай кўргилик юз бермаслиги учун

ўзини эмас, суоқлисини аяб ана шу фикрга келган. Сарв бўйли, нозпарвардининг дийдори жисмига жон бахш этса-ю унинг ўзига ранж етказуғдай бўлса, у холда ошқ учун жоннинг кераги йўқ! Яна бир жиҳати борки, кутилмаганда маҳбуби кўргани кирса, унинг дийдоридан баҳраманд бўлган ошқ суянганидан ҳам барибир жон таслим қилиши шубҳасиз. Шундай экан, ҳар икки ҳолатда ҳам жонифдо ошққа маъшўҳасининг азият чекмаслиги жуда муҳим. "Маҳбуб ул-қулуб"даги ажойиб бир ҳикмат ҳам бу байтга чиройли изоҳ бўла олади: "Ҳар ким биров билан дўст-ёр ёки

дўст-ёрлик даввосини қилса, ўзига раво кўрмагани унга ҳам раво кўрмаслиги керак. Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етди, жисми жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо, хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади".

Чин дўст, ҳақиқий ошқ фироқ боис қанчалик оғир дард-алам, азобу ўқубатга гирифтор бўлмасин, ҳар қандай вазиятда ҳам сабабини, айбни ўзадан эмас, ўзидан қидиради. У эмас, аксинча, суоқлиси унга таъна ва гина қилишга ҳақли. Худди Навоий таърифлаётган ошқ наздидаги каби:

Муҳқодр, эй Навоий, ул пари мендин маълум ўлмок, Недиким, қўйида девоналиғи ҳаддин ўтқардим.

Отабек ИСМОИЛОВ.

Балангиз безовтами?

Ўғил-қизларимиз мабодо кечалари тишларини гижирлатиб чиқишса, билинги, уларнинг ичак йўлида паразит қувалчанлар: юмалок гижжа, қилгичжалар бор.

Айтиш жоизки, қилгичжалардан осон ҳалос бўлиш мумкин. Хулусан, ошқовоқ, мускат қовоқ, ойим қовоқларнинг уруғ мағзи гижжалардан қутилишда ёрдам беради. Бунинг учун, аввало гижжа уруғининг пустилоқлари ажратилиб (мағз юзасидаги қўқим-тир парда сақланган бўлиши керак) 300 грамм ҳовонача янчилади. Янчиш жараёнида 10-15 томиқдан сув қўйилади. Сув миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак.

Ўғил-қизларимиз мабодо кечалари тишларини гижирлатиб чиқишса, билинги, уларнинг ичак йўлида паразит қувалчанлар: юмалок гижжа, қилгичжалар бор.

Айтиш жоизки, қилгичжалардан осон ҳалос бўлиш мумкин. Хулусан, ошқовоқ, мускат қовоқ, ойим қовоқларнинг уруғ мағзи гижжалардан қутилишда ёрдам беради. Бунинг учун, аввало гижжа уруғининг пустилоқлари ажратилиб (мағз юзасидаги қўқим-тир парда сақланган бўлиши керак) 300 грамм ҳовонача янчилади. Янчиш жараёнида 10-15 томиқдан сув қўйилади. Сув миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак.

Маннон НАБИЕВ, дориншунос.

Қулоқ — нозик аъзо

Баъзида болаларнинг қулоқлари ичига битилган газалларнинг бирида жуда латиф ва завқли, айни пайтда, хайратбахш ҳамда мушоҳадабон бир байт борки, шубҳасиз, уни инсонпарварлик аталмиш улўғ ғоя, олий қадриятнинг бадиий юксак тараннуми десак аразийди: **Неча ҳажрида ўсам** **оҳу ашқимдин солиб тўфон,**

Тез-тез кекириб турши ҳолатларига ошқозон-ичак йўли фаолиятидаги нуқсонлар сабаб бўлиши мумкин.

Бир пиёла сут

Кекирикни босадиган халқ амаллари мавжуд. Энг самаралиси эчки сутидан ичиб туриш ҳисобланади. Агар ҳар кун оқдатлишдан кейин: эрталаб, пешин ва кечқурун бир пиёладан эчки сүти ичиб турилса, узоғи билан уч ойда кекириш тўхтайд.

Асабийлашмай десангиз...

Хафа бўлиши, ғазаб аланга олиши осон. Бирок асаби холдан тойгач, юқоридаги қўқимлар йўқолади. Айниқса, оқватланишга киришганда "жазава"си сўнади. Асаби "титраган" кишиларни мулоимлаштириш учун дорихона бисотида мавжуд бўлган арслонқўрғўқ ўтидан ("Травва пустырника") 15 грамм олиб, унинг устига ярим чойнак қайноқ сув қўйилади-да, ярим соат дамланади. Сузиб олинган

Баъзилар ниҳоятда жиззак, чарчашга мойил бўлади-лар. Бундайларнинг уйқуси тез элса-да, салгина овоздан уйғониб кетади.

Баъзилар ниҳоятда жиззак, чарчашга мойил бўлади-лар. Бундайларнинг уйқуси тез элса-да, салгина овоздан уйғониб кетади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 25557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияли ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30
Топширилди — 22.50

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусалхх — Ш. Машраббоев.
7